

Қозоғистонда янги «Абдуллоҳ» масжиди очилди



12:00 / 28.09.2020 1933

Қозоғистоннинг Алмата шаҳридаги Турксиб туманида янги «Абдуллоҳ» масжидининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда [Қозоғистон мусулмонлари идораси матбуот хизматига таяниб, islam.ru сайти хабар берди.](#)

Ушбу масжидга Тиништиқбай Мирзаев имом хатиб этиб тайинланди. Масжиднинг очилиш маросимида Қозоғистон Олий муфтийси Науризбай ҳожи Таганули ва Алмата шаҳрининг бош имом хатиби Эркинбек Шокай иштирок этди.

«Янги «Абдуллоҳ» масжиди замонавий услубда, барча қулайликларга эга ҳолда қурилган. Ушбу маскан ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш марказига айланади ва уларнинг эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қилади деб ишонамиз», дейди Қозоғистон Олий муфтийси Науризбай ҳожи Таганули.

Таъкидланишича, янги масжид шаҳардаги энг гўзал масжидлардан бири ҳисобланади. Бино уч қаватли бўлиб, у ерда нафақат ибодат зали ва ходимлар хонаси, балки тўй зали, аудитория ва 250 кишига мўлжалланган ошхона мавжуд.

Хуршид Маъруф тайёрлади